

Normal 0 false false false MicrosoftInternetExplorer4



Normal 0 false false false MicrosoftInternetExplorer4

Бакара сурасининг 255-ояти «Оятул Курсий» номи билан машхурдир. Куйида «Оятул Курсий»нинг тилшунослик нуктаи назаридан беназир хусусиятларидан бир шингил келтирамиз. Бунда амриколик устоз Нуъмон Алий Хон томонидан Куръони аъзимуш-шаъннинг айрим оятларига инглиз тилида ёзилган тафсирлардан  
эътиборингизга хавола килмо  
к  
чимиз.

«Оятул Курсий» таркибий жихатдан (ўзбек тили грамматикаси нуктаи назаридан) тўқкизта гапдан иборат:

(1) (Доимо) **тирик ва абадий тургувчи Аллохдан ўзга илох йўқдир;**

(2) **Уни на мудрок тутар ва на уйку;**

- (3) **Осмонлар ва ердаги (барча) нарсалар Уникидир;**
- (4) **Ким хам Унинг хузурида Унинг рухсатисиз шафоат кила оларди?**
- (5) **У уларнинг олдиларидаги ва ортларидаги нарсаларни билур;**
- (6) **Унинг илмидан факат У истаганча ўзлаштирурлар;**
- (7) **Унинг Курсиси осмонлару ердан (хам) кенглик килур;**
- (8) **У иккисини тутиб туриш Уни толиктирмас;**
- (9) **У Олий ва Буюкдир.**

Мазкур оят бошидаги гаплар ўз тартибига кўра охириги гапларни мутаносиб равишда тўлдиради ва изохлайди, яъни биринчи гап энг охириги гапни, иккинчи гап охиригидан олдинги гапни ва хоказо. Эътибор берайлик:

- (1) (Доимо) **Тирик ва абадий тургувчи (Ал-Кайюм) Аллохдан ўзга илох йўқдир;**

(9) **У энг Олий ва Буюкдир.**

**Изох:** Хар иккала гапда – биринчи ва охирги гапда – Аллох Таолонинг иккитадан буюк исми тилга олинади: Ал-Хайй (абдий бархаёт) ва Ал-Кайюм (доимо тургучи) хамда Ал-Алий (Олий) ва Ал-Азийм (буюк)

(2) **Уни на мудрок тутар ва на уйку;**

(8) **У иккисини тутиб туриш Уни толиктирмас;**

**Изох:** иккинчи гап мутаносиб равишда саккизинчи гап билан изохлади, яъни бирор вазифа билан шугулланиш муайян вақтда, албатта, чарчаш ва толикиш келтиради. Бу эса ўз навбатида кишини уйкуга элтади. Аммо бутун борликни ихота килиб турувчи Аллох азза ва жаллага на чарчаш, на мудрок ва на уйку етади.

(3) **Осмонлар ва ердаги (барча) нарсалар Уникидир;**

**(7) Унинг Курсиси осмонлару ердан (хам) кенглик килур;**

**Изох:** Ушбу икки гапдаги хикматни англаш учун «мулк» ва «молик» тушунчаларини чукуррок тахлил килиш лозим. Маълумки, мулк деганда жонсиз нарсалар тушунилади. Бинобарин, жонсиз нарсаларга нисбатан факат эгалик килиш мумкин *(араб тилида эгалик учун «молик» сўзи ишлатилади)*  
. Аммо жонли нарсага нисбатан эгалик эмас, балки хукмфармонлик назарда тутилади. Аллох Таоло хазрати Одам (алайхиссалом)нинг барча зурриётларини мукаррам килди, яъни уларни бошка жонзотларга нисбатан устун, хукмдор килиб кўйди *(яъни ручкани менинг мулким дейиш мумкин, аммо ручканинг кироли менман дейиш нотўгри бўлади)*  
.

Учинчи гап еру осмонлардаги барча *(жонсиз)* мавжудот Аллох Таолонинг мулки эканини баён этса, еттинчи гап еру осмондаги ва бу иккисидан ташкаридаги барча *(жонли)* мавжудот хам Аллох Таолонинг хукми *(Курсиси)* остида эканлигини баён килади.

**(4) Ким хам Унинг хузурида Унинг рухсатисиз шафоат кила оларди?**

**(6) Унинг илмидан факат У истаганча ўзлаштирурлар;**

**Изох:** Хеч кандай ходиса, у хох кичик ва жуда арзимас бўлсин, хох жуда улкан бўлсин, Унинг изнисиз содир бўлмайди. У Зот борликнинг яккаю ягона Эгаси ва Хукмдоридир. Тўртинчи гапда Унинг хузурида Ўзининг изнисиз хеч ким хеч кимни оклашга, химоя килишга, шафоат килишга кодир эмаслиги хакида ўқисак, олтинчи гапда Унинг изнисиз хеч ким хеч нарсани била олмаслигини хам билиб оламиз.

**(5) У уларнинг олдиларидаги ва ортларидаги нарсаларни билур;**

**Изох:** Субханоллох! Мазкур бешинчи гап «Оятул Курсий»нинг шаклан маркази бўлиб, ўзидан олдин хам 4 та гап, ортидан хам 4 та гап келади! Албатта, Хак Таоло Ўзи яратган мавжудотларининг ортида нима борлигини хам, олдиларида хали нима турганлигини хам жуда яхши билади. Ушбу гап эса маънога мутаносиб равишда оятнинг марказидан жой олган!

Маълумки, огзаки нутқда грамматик жихатдан хатолар жуда кўп бўлади. Факат ёзма нутқдагина фикрларни обдон пишитиб, тахрир килиш, мукамал килиш мумкин. Куръон эса Аллох таолонинг каломидир. Бу калом фаришта Жаброил (алайхиссалом) оркали огзаки равишда Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га нозил килинган. Кандай килиб огзаки баён шу кадар мукамал бўлиши мумкин?! Курайш мушриклари Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг муборак огизларидан чикаётган сўзлар уларнинг ўзи жуда яхши билган инсондан чикаётганини кўриб-эшитиб турсалар-да, бу сура хам унинг сўзлари эмаслигини дархол пайкашган эди. Зеро Куръон ўзининг бенихоя балогатли ва фасохатли услуби билан уларни ожиз колдирди ва Киёматга кадар хам ожиз колдиражак.

Шу ўринда Устоз Нуъмон Алий Хон баён қилган бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчимиз.

Одамлар ўртасидаги ҳар қандай мулоқотда ўчта муҳим жиҳат, албатта, кўзга ташланади:

1. Ким сўзлаяпти? 2. Нима гапириляпти? 3. Қандай сўзланяпти?

Балогатга етмаганлар (болалар ва ўсмирлар) билан мулоқотда, одатда, жиддий муносабат қузатилмайди, чунки бу ерда гапирувчи (ёш жиҳатидан) сўзсиз жиддий муносабат талаб қилувчи мақомда бўлмайди. Айни пайтда сўзловчи етук ёшда бўлса ҳам, сўзларининг мазмуни қатъий аҳамиятли бўлмаса, ўзи истаган ҳурматга эриша олмайди. Аммо қайси сўзнинг қандай етказилаётгани ўша одамнинг дунёқараши ҳақида етарлича маълумот бера олади. Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам)дан Қуръонни илк бор эшитган одамлар ушбу сўзлар рўпараларида турган инсондан чиқаётганини кўриб турсалар-да, сўзларнинг эгаси у зот эмаслигини ҳис қилишди. Бирок барибир, «Бу Мухаммаднинг сўзи» дейишди. Қуръоннинг мазмуни нақадар теранлигини мулоҳаза қилиб кўришгач, «уни бошқалардан ўзлаштириб олган» деб кўришди (ҳали ҳам шундай деяётганлар бор). Аммо Қуръоннинг услубидек услуб яратишга чакирик келганда эса лом-мим дея олишмади, чунки бу иш ҳеч кимнинг кўлидан келмаслигини аниқ кўриб туришарди.

Маҳкамбоев Бобуржон